

## Пудрат шартномаси

(Жорий таъмираш)

06.09.2022-243

2022 йил "10" 06

Кейнинг ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор А.Бокиев бир томондан ва кейнинг ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Уткир" КТХФ номидан Низом асосида иш кўрувчи : Б.Бегимов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта "Обод кишлок" ва "Обод маҳалла" дастуриларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида асосан Сурхондарё вилояти туман (шахар) хокимликлари тасарруфида бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблаглари хисобидан таъмираш ишлари бўйича 2022 йил учун дастлабки 05.04.2022 йилги №12 Манзилли дастурига асосан хамда, 07.06.2022 йилдаги №96326 сонли лот Протокол карори 2022 йилда РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИ хисобидан таъмирланиши белгиланган Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикенг кучасини жорий таъмираш (Асфальт коплама етказиши)га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### 1. Таърифлар

#### 1. Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

**"ижро хужжатлари":** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

**"курилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади.

**"вактинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган хар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":**- сифати ва якунлигини кейнинг ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чикиш:** ишларнинг хар бир босқичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини босқичларга таксимлаш.

### II. Шартнома мавзууси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикенг кучасини жорий таъмираш (Асфальт коплама етказиши) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома бўйича ишлар киймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (07.06.2022 йилдаги №96326 сонли лот Протокол қарори) билан тасдиқланган баенномага асосан барча соликлар, йиғимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **517 500 000** (беш юз ун етти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш киймати ва кўпайтиришга енгид бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда;
- ишлар хажми буюртмачи томонидан ўзгаририлганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгаририлганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейнинг йилларга шартномавий нархларни аниқлашириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимida назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада хамда унга "1a" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоот нарихдаги ишларни энг камидаги 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- "1" иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмунни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;

-объектда тасдиқланган лойихага мувофик курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

- курилиш таваккалчилгини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўша иш:

курилиш майдонини курикланишини таъминлаш;

курилиш жараённида жалб килинган ишли ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафислизгини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдидаги тўлик мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл қурилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофик кабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига “1б” иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва аникланган муддатда ишларни тўлик якунлайди..

12. Қурилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан **60 кунни ташкил этади.** (бажарни графикига асоссан)

13. Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати хамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1а-илова) мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий кийматининг 30 % микдорида, аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (1б-илова)

16. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини “Маълумотнома-хисоб-фактура”га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача микдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларига белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланилайдиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади. Аникланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор килиб боради.

21. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник кузатувчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларига белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегиши тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиковчи тегиши сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор килади.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдикланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошира, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини энкласа у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиниши оқибатида етказилган зарапларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супурноб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул колиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан boglik тўхтаб колишлар, курилиш колиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдарида коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда баргароф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул кишиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникини ва бошка мол-мулк зарур даражада кўриклинишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект кабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эта, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мажзури шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишида узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириши ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

43. Агар томонлар иккى ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишига хаклиди.

#### XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибса мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлунингда мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха икро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламиини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишида тасдиклаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

Бўлунинг мунисипалитети таъсирини олишни мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха хужжатлари хамда курилиш мөйөрлари, коидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиклигини;

- ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф килиниши;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг кабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аникланниб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у ҳолда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор килиш

#### 52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишининг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кечикирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш мөйөрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

#### 53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор килинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

#### 58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортиласди.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,1 % микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

60. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоиз микдорида пеня тўлайди. бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми қийматининг бажармаган кисмидан Буюртмачига I фоиз микдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш мөйөрлари ва коидалари, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида объектни кабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20% фоизи микдорида ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чикилади.

#### XVI. Коррупцияга қарши қурашиш ва бошқа шартлар

65.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши қуршиш тўғрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар кандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатлатга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

66.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар конуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова килиниши хам мумкин. Килинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган булиши шарт.

67.3. Бир томонлама шартномани бекор килишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

68.4. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

#### XVII. Алоҳида шартлар

69. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

70. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

71. Мазкур шартномага барча ўзгаришиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хакиқий хисобланади.

72. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

73. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикитиришга хаклидир.

74. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

76. Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал килади.

Буюртмачи:

“Сурхондарё минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” давлат унитар  
корхонаси

Термиз шахар Олмазор кўчаси 42-үй

Тел: 221-26-35 Факс 221-19-22

ИНН: 304985647 ОКОНХ: 70220

Ш/х: 304521860222037045129118016

Пудратчи:

“Утқир” КТХФ

Термиз ш. Гулшан кучаси 70 манзилгоҳ

ИНН: 203 068 026.

НДС 322010004312 МФО 00326

Х/р: 20208 000 104 022 070 001.

АТБ Микрокредит банк термиз филиал.

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги  
Ғазна: x/a 23402900300100001010  
ХККМ Тошкент ш. МФО: 00014  
Ғазначилик бўлим ИНН: 201122919

Директор

А.Бокиев

Ушбу шартнома мазмуни амалдаги Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси, “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги конуни ва бошқа конун хужжатлари талабларига мос ҳолда тузилган.



Директор

Б. Бегимов

“08.06.2022 йил

Ф.Тураев

Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикент кучасини жорий таъмирлаш (Асфалт коплама етказиш) объектининг \_\_\_\_\_ соли шартномасига - илова

Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикент кучасини жорий таъмирлаш (Асфалт коплама етказиш) объектининг \_\_\_\_\_ соли шартномасига - илова

### МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Молиялаштиришиш маблаги	Йил	Шу жумладан ойлар												Жами
		январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь	
1	2	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
Инанъиши хизматини ажратилишни аванс маблаги	2022 йил						155 250 000,0							155 250 000
Ажратилишни аванс маблагини ойзар буйича тақсимлаштиришни кесни	2022 йил					0,0	155 250 000,0							155 250 000
Ажратилишни аванс маблагини инобатга олиб, бахарни ин ишларни молиялаштиришни ажратилиш маблаги	2022 йил					0	362 250 000,0							362 250 000
Жами	2022 йил		0	0		0	517 500 000	0,0	0,0	0	0	0	0	517 500 000
Жами молиялаштириладиган маблаг														



Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикенг кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама етказиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига -  
плова

Сурхондарё вилояти Бандиҳон тумани Багрикенг кучасини жорий таъмирлаш (Асфальт коплама етказиш) объектининг \_\_\_\_\_ сонли шартномасига - илова

### БАЖАРИНГ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган иншлар	Иншлар	2022 йил												Объектининг умумий киймати	
			1-квартал			2-квартал			3-квартал			4-квартал				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	Курилиш- монтаж иншлари	2022	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	
1	Курилиш- монтаж иншлари	2022						517 500 000,0							517 500 000	
	Жами		-	-	0,0		0	517500000	0	0	-	-	-	-	517 500 000	



"17" 06 2022 й.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартағи ПҚ-172-сонли "Обод кишлөк" ва "Обод махалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилояти туман (шаҳар) хокимлклари тасарруфидаги бўлган ички хўжалик йўлларида Республика бюджет маблағлари хисобидан тъмирилаш ишлари бўйича 2022-йил учун

**МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИ**

млн.сум

№	Объектлар номи ва маизили	Курилиш бошчанини ва тутгалланнини ини	Лойикави киравати, тегизли ўтчов бирликлар ида (км)	Пудрат шартнома тутилган вактдаги курилишнинг умумий киймати	Курилишнинг 2022 йил 1 январ холатига колдик киймати	2022 йил жами капитал куйимлар (млн.сум)	Шу жумладан												2023 йил 1 январ холатига утувчи объект бўйича колдик киймати	Тендер саводлари баённомаси тасдиқланган санаси ва раками	Экспертиза санаси ва раками №	Пудратчи курилиш ташкилотлари
							Шундан						Гонка	шундан								
							Цементбетон коплама		Асфальтбетон коплама		Шагал коплама			Буяртмачи	Лойиха ва	экспертиза	харажатлари	харажатлари	харажатлари	харажатлари	харажатлари	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21		
280	Сурхондарё вилояти бўйича жами:	2022 й	347,1	90758,4	90758,4	94267,96	85994,8	43,3	28045,4	96,9	34685,1	206,9	23264,3	3919,9	2020,8	1899,1	506,6					
				3818,8	3818,8											0,0						
26	Ангор тумани		20,1	4775,2	4775,2	6245,5	4544,8	4,9	2524,6	8,1	1772,2	7,1	248,0	250,6	125,7	124,9	0,0					
				230,5	230,5											0,0						
10	Корасув МФЙ		5,2	2032,3	2032,3	3422,7	1933,0	1,4	835,0	3,8	1098,0	0,0	0,0	99,3	55,3	44,0	0,0					
				99,3	99,3											0,0						
1	Алномиш кучасини жорий тъмирилаш L -730 м В -4.5 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,7	458,8	458,8	458,8	435,0	0,7	435,0						23,72	13,05	10,67	0,0	02.06.2022 й лот№91711	14.04.2022 й №36672	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
				23,72	23,72											0,0						
2	Ойбек кучасини жорий тъмирилаш L -1,345 м В -4.5 (Асфалт коплама)	2022 й	1,3	378,4	378,4	378,4	360,7			1,3	360,7				17,7	10,0	7,7	0,0	23.05.2022 й лот№78414	14.04.2022 й №36672	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
				17,7	17,7											0,0						
3	Миришкор кучасини жорий тъмирилаш L -675 м В -4.5 (Бетон коплама ётқизиш)	2022 й	0,7	421,9	421,9	421,9	400,0	0,7	400,0						21,9	12,0	9,9	0,0	02.06.2022 й лот№91717	14.04.2022 й №36672	Сурхондарё КФУК	
				21,9	21,9											0,0						
4	А. Темур кучасини жорий тъмирилаш L -245 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,2	75,5	75,5	75,5	72,5			0,2	72,5				3,0	1,4	1,6	0,0	02.06.2022 й лот№91712	14.04.2022 й №36672	Ангор ТИФУК	
				3,0	3,0											0,0						
5	Фаровон кучасини жорий тъмирилаш L -295 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	92,0	92,0	92,0	87,7			0,3	87,7				4,3	2,4	1,9	0,0	10.06.2022 й лот№97893	14.04.2022 й №36672	Ангор ТИФУК	
				4,3	4,3											0,0						
6	Мустакиллик кучасини жорий тъмирилаш L -265 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	82,9	82,9	82,9	79,0			0,3	79,0				4,0	2,3	1,7	0,0	02.06.2022 й лот№91710	14.04.2022 й №36672	Ангор ТИФУК	
				4,0	4,0											0,0						
7	Обод кучасини жорий тъмирилаш L -275 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	83,0	83,0	83,0	79,0			0,3	79,0				4,0	2,3	1,7	0,0	02.06.2022 й лот№91709	14.04.2022 й №36672	Сурхондарё КФУК	
				4,0	4,0											0,0						
8	Фуркат кучасини жорий тъмирилаш L -270 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,3	99,8	99,8	99,8	95,2			0,3	95,2				4,5	2,5	2,0	0,0	10.06.2022 й лот№78428	14.04.2022 й №36672	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
				4,5	4,5											0,0						
9	Зартепа кучасини жорий тъмирилаш L -610 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,6	190,1	190,1	190,1	180,9			0,6	180,9				9,2	5,3	3,9	0,0	23.05.2022 й лот№78496	14.04.2022 й №36672	ASL AZIZ FAYZ TERMIZ MCHJ	
				9,2	9,2											0,0						
10	Маданият кучасини жорий тъмирилаш L -480 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,5	150,0	150,0	150,0	143,0			0,5	143,0				7,0	4,0	3,0	0,0	08.06.2022 й лот№91708	14.04.2022 й №36672	Сурхондарё КФУК	
				7,0	7,0											0,0						
<b>Таксимланмаган маблағ</b>																						
16	Гулзор МФЙ		14,9	2743,0	2743,0	2822,8	2611,8	3,5	1689,5	4,4	674,2	7,1	248,0	151,3	70,4	80,9	0,0					
				131,2	131,2											0,0						
1	Корасув кучасини жорий тъмирилаш L -205 м В -4.5 (Асфалт коплама ётқизиш)	2022 й	0,2	63,3	63,3	63,3	61,0			0,2	61,0				2,3	1,0	1,3	0,0	08.06.2022 й лот№94974	14.04.2022 й №36661	Сурхондарё КФУК	
				2,3	2,3											0,0						
2	Танги кучасини жорий тъмирилаш L -625 м В -4.0 (Асфалт коплама)	2022 й	0,6	209,3	209,3	209,3	200,0			0,6	200,0				9,3	5,0	4,3	0,0	08.06.2022 й лот№94980	14.04.2022 й №36661	Сурхондарё КФУК	

№	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошланши ва тутадланиши ичи	Лойихавий куввати, тегисиди учков бирликвар ида (км)	Пудрат шартнома түзилгандаги курилишнинг умумий киймати	Курилишнинг 2022 йил 1 январ холатига колдик киймати	2022 йил жами капитал куйилмалар (млн сум)	Шу жумладан									2023 йил 1 январ холатига утучи объект колдик киймати	Тендер сайдорни байномиси тасдиқланган санаси ва раками №	Экспертиза санаси ва раками №	Пудратчи курилиш ташкилотлари				
							Курилиш монтаж иншарининг умумий киймати (млн.сум)		Шундан				Бошка харажатлар (млн.сум)	шундан									
							км	млн.сум	км	млн.сум	км	млн.сум		Буюртмачи харажатлари	Лойиҳа ва экспертиза харажатлари								
8	Ещлик кучасини жорий таъмирлаш L-511 м В-40-4,5 (Бетон коплама етказиш)	2022 й	0,5	290,2 14,6	290,2 14,6	290,2	275,6	0,5 275,6					14,6	7,8	6,8	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95014	14.04.2022 й №36661	Ангор ТИФУК				
9	Пахтакор кучасини жорий таъмирлаш L-560 м В-4,5 (Бетон коплама етказиш)	2022 й	0,6	347,3 17,3	347,3 17,3	347,3	330,0	0,6 330,0					17,3	9,1	8,2	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95016	14.04.2022 й №36661	Сурхондарё КФУК				
10	Фидокор кучасини жорий таъмирлаш L-380 м В-4,0 (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	0,4	115,3 5,4	115,3 5,4	115,3	109,9		0,4 109,9				5,4	3,0	2,4	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95019	14.04.2022 й №36661	Ангор ТИФУК				
11	Дустлик кучасини жорий таъмирлаш L-3895 м В-4,0 (Шагал коплама етказиш)	2022 й	3,9	260,5 12,5	260,5 12,5	260,5	248,0					3,9	248,0	12,5	7,1	5,4	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95031	14.04.2022 й №36661	Кафолат Нур Файз МЧЖ			
12	Ибн Сино кучасини жорий таъмирлаш L-850 м В-4,0 (Бетон ва асфальт коплама етказиш)	2022 й	0,9	329,3 15,9	329,3 15,9	329,3	313,3	0,9 313,3					15,9	9,0	6,9	0,0 0,0	08.06.2022 й лот№95044	14.04.2022 й №36661	MCHJ SURHON-YO'L-RAVNAQI				
13	Обод кучасини жорий таъмирлаш L-870 м В-4,0-4,5 (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	0,9			22,0			0,9				6,4		6,4					Таилов			
14	Тафракур кучасини жорий таъмирлаш L-1085 м В-3-4,5 (Шагал ва асфальт L-350 м коплама етказиш)	2022 й	1,1			19,0						1,1		3,5		3,5				Таилов			
15	Урискор кучасини жорий таъмирлаш L-2120 м В-4,0 (Шагал коплама етказиш)	2022 й	2,1			19,0						2,1		2,7		2,7				Таилов			
16	Фаровон кучасини жорий таъмирлаш L-1260 м В-4,5 (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	1,3			19,8			1,3				7,6		7,6					Таилов			
21	Бандиҳон тумани		33,8	8816,7 406,6	8816,7 406,6	8979,0	8410,1	2,3	1434,0	12,4	5302,2	19,1	1673,9	406,6	227,1	179,5	0,0 0,0						
9	Бекетса МФЙ Бекетса қишлоғи		13,8	4308,7 206,5	4308,7 206,5	4407,0	4102,2	1,4	904,0	6,1	2644,7	6,3	553,5	206,5	118,4	88,1	0,0 0,0						
1	Турон кучасини жорий таъмирлаш L-1,6 км (1,6 км асфальт коплама етказиш)	2022 й	1,6	815,2 39,2	815,2 39,2	815,2	776,0			1,6	776,0			39,2	22,8	16,4	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77543	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS			
2	Турон-3 кучасини жорий таъмирлаш L-1,1 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	1,1	97,8 4,8	97,8 4,8	97,8	93,0					1,1	93,0	4,8	2,8	2,0	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77551	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS			
3	Тадбиркорлар-2 кучасини жорий таъмирлаш L-1,5 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	1,5	126,3 6,3	126,3 6,3	126,3	120,0					1,5	120,0	6,3	3,6	2,7	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77578	13.04.2022 й №36540	ЧП LAZIZBEK SARDOR-KELAJAK			
4	Фаровон кучасини жорий таъмирлаш L-3,8 км (3,0 км шагал коплама етказиш ва 0,8 км асфальт)	2022 й	3,8	631,4 31,4	631,4 31,4	631,4	600,0		0,8	320,0	3,0	280,0	31,4	18,0	13,4	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77608	13.04.2022 й №36540	ЧП LAZIZBEK SARDOR-KELAJAK				
5	Буюк келажак кучасини жорий таъмирлаш L-1,4 км (Бетон коплама етказиш)	2022 й	1,4	949,2 45,2	949,2 45,2	949,2	904,0	1,4	904,0					45,2	25,5	19,7	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77627	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS			
6	Буюк келажак кучасини жорий таъмирлаш L-1,0 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	1,0	447,2 21,2	447,2 21,2	447,2	426,0		1,0	426,0			21,2	12,2	9,0	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77641	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS				
7	Буюк келажак кучасини жорий таъмирлаш L-0,7 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	0,7	63,6 3,1	63,6 3,1	63,6	60,5					0,7	60,5	3,1	1,8	1,3	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77656	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS			
8	Мангизар кучасини жорий таъмирлаш L-2,0 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	2,0	905,8 42,1	905,8 42,1	905,8	863,7		2,0	863,7			42,1	24,0	18,1	0,0 0,0	07.06.2022 й лот№96325	13.04.2022 й №36540	Ўтқир КТХФ				
9	Шодлик кучасини жорий таъмирлаш L-0,7 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	0,7	272,2 13,2	272,2 13,2	272,2	259,0		0,7	259,0			13,2	7,7	5,5	0,0 0,0	19.05.2022 й лот№77687	13.04.2022 й №36540	ООО CONTACT SILK TRANS				
	Таксимламаган маблаг				98,3																		
12	Бекетса МФЙ Қўргон қишлоғи		20,0	4508,0 200,1	4508,0 200,1	4572,000	4307,9	0,9	530,0	6,3	2657,5	12,8	1120,4	200,1	108,7	91,4	0,0 0,0						
1	Навбахор-4 кучасини жорий таъмирлаш L-0,85 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	0,9	67,4 1,4	67,4 1,4	67,4	66,0				0,9	66,0	1,4		1,4		0,0 0,0	30.05.2022 й лот№77710	13.04.2022 й №36543	ООО QURILISH RAVON YO'LLAR			
2	Дустлик-1 кучасини жорий таъмирлаш L-2,2 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	2,2	997,3 47,3	997,3 47,3	997,3	950,0		2,2	950,0			47,3	27,2	20,1		0,0 0,0	24.05.2022 й лот№77719	13.04.2022 й №36543	Бандиҳон ТИФУК			
3	Дустлик-2 кучасини жорий таъмирлаш L-3,0 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	3,0	241,7 11,7	241,7 11,7	241,7	230,0				3,0	230,0	11,7	6,8	4,9		0,0 0,0	19.05.2022 й лот№83467	13.04.2022 й №36543	ООО CONTACT SILK TRANS			
4	Обод юрт-1-2-3 кучасини жорий таъмирлаш L-1,81 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	1,8	827,4 39,4	827,4 39,4	827,4	788,0		1,8	788,0			39,4	22,7	16,7		0,0 0,0	19.05.2022 й лот№83465	13.04.2022 й №36543	ООО QURILISH RAVON YO'LLAR			
5	Обод юрт-4 кучасини жорий таъмирлаш L-0,4 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	0,4	35,6 0,7	35,6 0,7	35,6	34,9				0,4	34,9	0,7		0,7		0,0 0,0	30.05.2022 й лот№83462	13.04.2022 й №36543	ООО QURILISH RAVON YO'LLAR			
6	Багрикен кучасини жорий таъмирлаш L-0,9 км (Бетон коплама етказиш)	2022 й	0,9	555,5 25,5	555,5 25,5	555,498	530,0	0,9	530,0				25,5	14,0	11,5		0,0 0,0	18.06.2022 й лот№102549	13.04.2022 й №36543	Бандиҳон ТИФУК			
7	Багрикен кучасини жорий таъмирлаш L-1,38 км (Асфальт коплама етказиш)	2022 й	1,4	540,4 22,9	540,4 22,9	540,4	517,5		1,4	517,5			22,9	12,0	10,9		0,0 0,0	07.06.2022 й лот№96326	13.04.2022 й №36543	Ўтқир КТХФ			
8	Багрикен кучасини жорий таъмирлаш L-0,95 км (Шагал коплама етказиш)	2022 й	1,0	84,2 1,7	84,2 1,7	84,2	82,5				1,0	82,5	1,7		1,7		0,0 0,0	30.05.2022 й лот№83455	13.04.2022 й №36543	ООО QURILISH RAVON YO'LLAR			
9	Тинчлик кучасини жорий таъмирлаш L-3,0 км (Шагал коплама етказиш 2,7 км ва асфальт коплама 0,3 км)	2022 й	3,0	372,5 17,5	372,5 17,5	372,5	355,0				3,0	355,0	17,5	10,0	7,5		0,0 0,0	10.06.2022 й лот№83451	13.04.2022 й №36543	MCHJ SURHON-YO'L-RAVNAQI			

№	Объектлар номи ва манзили	Курилиш бошлини ши ва тугдланиши йилни	Лойихави тегишлар ида (км)	Пудрат шартнома тузилган вактдаги курисининг умумий киймати	Курилишнинг 2022 йил 1 январ холатига коллик киймати	2022 йил жами капитал кийнгилмалар (млн.сум)	Шу жумладан										2023 йил 1 январ холатига ўтгачи объект киймати	Тендер савдоидари баённомаси тасдиқланган санаси ва раками	Экспертиза санаси ва раками №	Пудратни курилиш ташкилотлари				
							Шундан																	
							Цементбетон коплама		Асфальтбетон коплама		Шагал коплама			шундан										
							км	млн.сум	км	млн.сум	км	млн.сум		Буюртмачи харажатлари	Лойхава экспертиза харажатлари									
10	Халкобод кучасини жорий таъмирлаш L-2,0 км (Шагал коплама ёткизиш)	2022 й	2,0	158,2 7,2	158,2 7,2	158,2	151,0				2,0	151,0	7,2	4,0	3,2	0,0 0,0	10.06.2022 й лот№93327	13.04.2022 й №36543	Ўтқир КТХФ					
